

Покистонда «Ҳазрати Иброҳим» масжиди қурилди



18:30 / 13.03.2021 2227

Покистоннинг Шимоли-шарқий ҳудудида зилзила туфайли вайрон бўлган 120 йиллик масжид ўрнида Туркия Қизил Яримой жамияти томонидан янги «Ҳазрати Иброҳим» масжиди қурилди. Бу ҳақда newsnow.co.uk манбаси хабар беради. Масжид чоршанба куни фойдаланишга топширилди.

Маросимда ташкилотнинг халқаро дастурлар ва ҳаракатлар бўйича раҳбари Алпер Улуса, Туркия Қизил Яримой жамиятининг Покистондаги делегацияси президенти Иброҳим Карлос Камило ҳамда NNT дунё жамғармаси президенти Зафар Иқбол қатнашди.

Панжоб вилояти Жанг туманидаги Хокран Чак қишлоғида қурилган бу масжиднинг очилиш маросимини Туркия Қизил Яримой жамияти бош

котиби Ҳусайн Сан очиб берди.

Туркия делегациясининг ташрифи маҳаллий аҳоли томонидан илиқ қарши олинди ва улар қишлоқларида янги масжид барпо қилингани учун миннатдорчилик билдиришди. Очилиш маросимида Ҳусайн Сан қўшни мусулмон давлатида масжид қуриш катта шараф эканлигини таъкидлаб ўтди.

«Ҳазрати Иброҳим» масжиди 1901 йилда қурилган ва минтақадаги зилзила оқибатида 2017 йилда вайрон бўлган», - дейди Ҳусайн Сан Анадолу агентлигига берган интервьюсида. — Масжиднинг қурилиш ишлари 2019 йил октябрь ойида бошланган бўлиб, коронавирус ва мамлакатдаги баъзи чекловлар туфайли 6 ойга кечиктирилди.

Шунингдек, Сан ўз делегацияси билан бирга янги масжидда намоз ўқиди. Масжид 400 квадрат метр майдонда қурилган бўлиб, 750 кишига мўлжалланган. Қувонарлиси шуки, масжид биносида маҳаллий болалар учун алоҳида диний машғулот олиб боришга мўлжалланган хона ҳам бор.

«Турк миллати қитъадош мусулмон давлатларининг дўстлигини унутмайди», - дейди Сан. — Туркия ҳар қандай қийин вазиятларда ҳам покистонлик биродарлари ва опа-сингилларини қўллаб қувватлайди.

Туркия Қизил Яримой жамияти 2005 йилдан бери Покистонда инсонийлик ёрдам ҳаракатларини олиб бормоқда ва турли хил лойиҳалар билан минтақа аҳолисига кўмак бериб келмоқда.

Таржимон: Маъмура Ҳафизхонова